№ 5 сонли ШАРТНОМА

2022 йил «28» 01

Ушбу шартнома бир тарафдан келгусида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланадиган жамият рахбари О.Ахматшаев вакиллигида «Маргилон нон» МЧЖ ва иккинчи тарафдан «СОТИБ ОЛУВЧИ» деб номланадиган корхона рахбари Н. Рахимов вакиллигида Маргилон тиббиёт бирлашма ўртасида тузилди. Томонлар куйидагилар тўгрисида келишиб олдилар:

### *1.Шартноманинг предмети, киймати ва муддати*

1.1. Мазкур шартномага мувофик ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ куйидаги махсулотларни СОТИБ ОЛУВЧИга етказиб беришни, СОТИБ ОЛУВЧИ эса бу махсулотларни кабул килиб олишни ва пул кийматини келишилган тартибда тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

| № | Махсулотнинг номи | Ўл. Бирлги | Микдори | Нархи | Сумма | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Колипли нон 1-нав 500 гр | кг | 4000 | 2800 | 11200000 | |
| | **Жами:** | | | | | |

1.2. Шартноманинг умумий киймати 11200000 (Ўн бир миллион икки юз минг) сўмни ташкил килади. Тарафлар ўзаро келишган холда ушбу кийматни ўзгартиришлари мумкин.

1.3. Шартномани амал килиш муддати 28.01.2022 й. кундан бошлаб 31. XII 2022 йилга кадар давом этади.

### *II. Тўлов тартиби ва махсулот етказиб бериш шартлари.*

2.1. Тўлов махсулот кийматидан олдиндан 30 % микдорида амалга оширилади. Тўловнинг колган кисми ойнинг охирги кунига кадар тўлик 100 % микдорда амалга оширилади;

2.2. Тўлов хисобдан пул ўтказиш йўли оркали амалга оширилади.

2.3. Ишлаб чикарилган махсулотлар Сотиб олувчи томонидан тегишли рухсатномага эга бўлган нон ташишга мўлжалланган транспорт воситаларида ташилади.

### *III. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари.*

**3.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИнинг хукук ва мажбуриятлари:**

- Сотиб олувчидан етказиб берилган махсулот кийматини белгиланган муддатда тўлашни талаб килиш;
- Сотиб олувчи томонидан тулов белгиланган муддатдан кечиктирилса огохлантиришсиз махсулот беришни тухтатиш

➢ Етказиб бериладиган махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикаси стандартлари, техника шартлари талаблари ва сотиб олувчи талабларига жавоб беришини таъминлаш;

**3.2. СОТИБ ОЛУВЧИнинг хукук ва мажбуриятлари:**

➢ Сотиб олувчи махсулот туридан хар кунлик буюртмани 1 кун олдин беради ва махсулотни пишиб чиккан вактдан 4 соатдан сунг уз вактида олишни уз зиммасига олади.

➢ Сотиб олувчи сотиб олинган махсулотларни факат тегишли рухсатномага эга бўлган нон ташишга мўлжалланган транспорт воситаларида ташиш, махсулотларни таркатишда ёки саклашда гигиена коидаларига каътий риоя килиш, махсулот таркатувчиларни ёки сакловчиларни тиббий кўрикдан доимий тартибда ўтиб туришини таъминлайди.

➢ Етказиб берувчига махсулот кийматини белгиланган муддатда тўлаш;

➢ Етказиб берилган махсулотни етказиб берувчидан микдори ва сифати буйича кабул килишни таъминлаш, махсулотнинг микдори ва сифати бўйича эътирози мавжуд булганда 8 соат ичида етказиб берувчига рекламация билдириш.

➢ Етказиб берувчи томонидан сифатсиз ва муддати ўтган махсулотлар етказиб берилган такдирда сотиб олувчи махсулотларни олишдан бош тортиши ёки алмаштириб беришни талаб килиши мумкин.

## *IV. Тарафларнинг моддий жавобгарлиги*

4.1. Етказиб берувчи сотиб олувчига сифатсиз махсулот етказиб берган такдирда, сотиб олувчига етказиб берилган махсулот кийматининг 15% микдорида жарима тўлайди.

4.2. Етказиб берувчи махсулотни СОТИБ ОЛУВЧИга белгиланган муддатда етказиб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % микдорида, лекин етказиб берилмаган махсулот кийматининг 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

4.3. Агар сотиб олувчи буюртмасини техника шартларзида кўрсатилган пишиб чиккан вактдан 4 соатдан сўнг олмаса, етказиб берувчига махсулот кийматининг 15% микдорида жарима тўлайди.

4.4. Сотиб олувчи тўловни кечиктириб юборса кечиктирилган хар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин тўланмаган сумманинг 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

4.5. Тарафларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошка моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги конуни билан тартибга солинади.

## *V. Форс мажор холатлари.*

5.1. Тарафларнинг хеч бири бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо бўлган хамда уларни бартараф этиш мумкин бўлмаган холатлар, яъни уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролик тартибсизлиги, вабо таркалиши, газ, электр энергияси ва ичимлик суви ишлаб чикарувчилари томонидан етказиб берилмаслиги ва хоказолар билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Агар ушбу холат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аникланмаса тарафлардан бирининг ташаббуси билан олдиндан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор килишлари мумкин.

## *6. Шартноманинг бошка шартлари.*

6.1. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.
6.2 Давлат бошкарув органлари томонидан ун фонди микдори кискартирилганда ва газ босими пасайиши натижасида нон махсулотларин уз вактида ва шартномада курсатилган микдорда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» жавобгарликдан озод килинади. Лекин ушбу холат тугрисида сотиб олувчини огохлантиради.
6.3. Тарафлар уртасида келиб чиккан барча низолар узаро музокара оркали хал килинади. Агар келишувга эришилмаса хужалик судлари оркали хал килинади. Жавобгар Фаргона вилоятидан ташкарида жойлашган булса низо Фаргона вилояти хужалик суди судловига тааллукли булади.
6.4. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланади. Биринчи ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИда, иккинчи СОТИБ ОЛУВЧИда сакланади.
6.5 Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартнома газначиликдан руйхатдан утгандан сунг юридик кучга киради.

**Тарафларнинг реквизитлари:**

**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**

**«МАРГИЛОН НОН» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**
Маргилон шахар, Навбахор 121-уй
Х/р 20208000900194813001
МФО:00991 Хамкор банк Маргилон булими
ИНН:200140644 ОКОНХ:18113
Тел:8 (373) 235-19-48, 235-19-43
Рахбар
_______________ Ахматшаев О.М

(Печать: MARGILON NON)

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»**

(Штамп: Марғилон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси
Марғилон шаҳар Туркистон кўчаси 171-уй
Тел: 253-20-04, Факс: 253-71-15
Ш/х/р: 100022860304127043101054011
ИНН: 200131... ОКОНХ: 91511
Молия Вазирлиги Ягона Ғазна хисобвараги
х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш. ХККМ
МФО: 00014 СТИР: 201122919)

Манзил ______
Шх/р: ______
ИНН: ______ ОКОНХ ______
Тел: ______
Газначилик булими номи
______
х/р: ______
Банк номи ______
ИНН: ______ МФО: ______
Тел: ______
Корхона рахбари: Н. Дахимов
Бош хисобчи:

**ЮРИДИК ХУЛОСА**

Ушбу тузилаётган шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги конуни ва бошка конун хужжатларига асосан тўгри тузилган. Шартномадаги шартлар, жумладан тўловни амалга ошириш тартиби, тарафларнинг моддий жавобгарлик масаласи, низоларни хал этиш тартиби амалдаги конун хужжатларига мос келади ва тарафлар шартномада кўзда тутилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал килишга келишишган.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, мазкур шартномани тузиш ва имзолаш мумкин.

**Хукукшунос** _______________ _______________

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: F10317168881

Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to‘g‘risida huquqiy

# XULOSA

| | |
|---|---|
| 1. Loyihaning turi: | Shartnoma. |
| 2. Loyihaning nomi: | Oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib berish haqida. |
| 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: | Marg‘ilon shahar tibbiyot birlashmasi (sotib oluvchi) va “Marg`ilon non” mas`uliyati cheklangan jamiyati (yetkazib beruvchi), hujjat 2022-yil 31-yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022-yil 31-yanvar kuni dasturga kiritilgan. |
| 4. XULOSA: | |
| Marg‘ilon shahar tibbiyot birlashmasi (sotib oluvchi) va “Marg`ilon non” mas`uliyati cheklangan jamiyati (yetkazib beruvchi) o`rtasida tuzilayotgan oziq-ovqat mahsulotlarini (qolipli non) yetkazib berish haqidagi shartnoma loyihasisida (summa: 11200000 so`m) ko‘rsatilgan munosabatlar O‘zbekiston Respublikasining «Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to‘g‘risida»gi Qonuni va Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi hamda shartnomada nazarda tutilgan taraflarning javobgarligi va nizolarni xal etish tartibi yuqorida zikr etilgan qonunchilik talablariga mos keladi. Qayd etilganlarni inobatga olib shartnomani tuzish **maqsadga muvofiq**. | |

**Marg‘ilon shahar YuXK markazi**
**bosh yuriskonsulti**
**2-darajali yurist**

**A.A.Usmonov**

*2022-yil «31»-yanvar*